Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · "Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensi... DOI: 10.5281/zenodo.24316896

5. Rajan, R. S. va Gopalan, S. (2020). Dastlabki ommaviy taklif va to'g'ridan-to'g'ri xorijiy rivojlanayotgan bozorlarga investitsiyalar. Iqtisodiyot va moliya jurnali, 44(1), 69-89.[https://doi.org/10.1007/s12197-019-09490-5]

6. Islomiy moliyaviy xizmatlar kengashi. (2020). Islom moliyaviy xizmatlar sanoati Barqarorlik hisoboti 2020. IFSB.

7. Mohieldin, M., Iqbol, Z., Rostom, A., & Fu, X. (2012). Islomning roli

Islom hamkorlik tashkilotiga moliyaviy inklyuzivlikni oshirishda moliyalashtirish

(IHT) davlatlari. Jahon bankining iqtisodiy sharhi, 26(2), 120-155.

[https://doi.org/10.1093/wber/lhs010

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.

Холматова Нодирахон Қуддусовна
Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети
Андижон факультети "Мутахассислик
фанлари"кафедраси ўқитувчиси.
nodirahonholmatova74@gmail.com

Аннотация: *ушбу мақолада бугунги кунда республикамизда энг долзарб бўлиб турган муаммолардан бири Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишнинг зарурияти ва унинг ахамияти ҳақида фикрлар келтириб ўтилган. МҲХСга ўтиш бўйича илмий хулоса ва таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот, стандарт, фонд биржалари, қимматли қоғозлар.*

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари– молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисоботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор-бир ташкилотга нисбатан иқтисодий қарор қабул қилиш учун фойдаланилади. Яъни, оддий мисол тариқасида келтирсак, бу хорижий инвесторларни мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотларнинг (компания, корпорация, акциядорлик жамиятлари) акциялари, қимматли қоғозлари ва бошқа турдаги инвестиция жалб қилиши мумкин бўлган моддий бойликларнинг истиқболда ўсиши ёки пасайишини таҳлил қилиши учун зарур ахборотлар билан таъминлаш мумкин бўлади.

Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишига босқичма-босқич ўтиши белгиланган.

Published: 17.05.2024

Cite this article: Холматова Нодирахон Қуддусовна (2024). Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг долзарб масалалари. Emro Science and Education, 1(3). https://doi.org/10.5281/zenodo.24316896

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Албатта, ҳар қандай ислоҳотнинг тўғри, ўз вақтида юритилиши кадрлар масаласига, уларнинг сифатига боғлиқ. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг қарорида МҲХС бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, бу борада энг асосийси, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчиларини бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида “МҲХС бўйича молиявий ҳисобот” фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд “Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)”, “Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)”, “Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)” ва “Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)” сертификатларидан бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлаш масаласидир. Ана шу ўта залворли ва ҳал қилувчи масала ҳал этилса, қўйилаётган вазифа сифатли уддаланади.

Шунингдек, молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилиши белгилаб қўйилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитация-дан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам устувор вазифа сифатида қаралади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб биз қуйида аввало молиявий хисоботнинг концептуал асослари хақида тўхталиб ўтамиз.

Концепция (conceptio) лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида тўплаш, бирлаштириш, тизим ёки ибора маъносини англатади. Мазмунан эса бирор фан ёки тадқиқот асослари бўйича умум қабул қилинган назарий қоидалар тўплами, шунингдек, бирор предмет ёки воқеани тушуниш, кўриб чиқиш усуллари ёки унга нисбатан ёндашувлар ва қарашлар тизими сифатида изоҳланади. Молиявий ҳисобот нуқтаи назаридан эса молиявий ҳисобот тузишда қўлланилаётган амалдаги қоидаларни баҳолаш ва уларни ривожлантириш асосларини ташкил этади.

Молиявий ҳисобот ва унинг Концептуал асоси устида сўз юритар эканмиз, Бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси билан боғлиқ масалаларга тўхталамиз. МҲХСнинг бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва мақомига қарамай, назарий жиҳатдан бухгалтерия ҳисоби фанининг ажралмас бир қисми бўлиб қолаверади. Бинобарин, Концептуал асос бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши лозим.

Бугунги кунда бухгалтер нафақат ҳисоб юритишнинг техник кўникмаларига эга бўлиши, балки корхона (хўжалик субъекти)нинг молиявий

ҳолатини тўла таҳлил қилиш, уни рақамли иқтисодиётнинг мураккаб қонуниятлари билан боғлаб бошқариш, вазиятларни тўғри баҳолаш ва самарали хулоса чиқариш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим. Табиийки, бухгалтер бўлиш орзусидаги ҳар бир киши аввало бухгалтерия ҳисобини назария, хусусан, ундаги иборалар, тушунчалар ва қоидаларни ўрганишдан бошлайди. Бўлажак бухгалтер олдин назарияни ўзлаштириб, сўнг амалиётга қўл уриши лозим.Билиш жараёни назария ва амалиётнинг биргаликдаги ўзаро таъсирида рўй беради. Улар бир-бирини тўлдиради ва тасдиқлайди. Назария камон ўқи бўлса, амалиёт нишондир.

Бунга қўшимча яна шуни қайд этиш жоизки, назария нафақат амалиётда қарор топган мавжуд тартиботни ўрганиш, балки уни ўзгартириш ва ривожлантириш учун ҳам хизмат қилади. У амалиётнинг келажак тараққиёти ва тақдири тўғрисидаги фикрлар ҳамда қарашлар тизимини шакллантиради ёки концепциялар яратади. Ижтимоий ҳаёт ривожланиб борар экан, унга мос равишда бухгалтерия ҳисоби ҳам тадрижий ривожланаверади. Қолаверса, фан-техника ютуқлари ҳам унинг юксак даражада такомиллашишига пойдевор яратмоқда. Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобининг бир неча замонавий турлари шаклланган, уларнинг ҳар бири мустақил фан сифатида жаҳоннинг барча олий ўқув юртларида ўрганилмоқда. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби турлари қанчалик такомиллашмасин ва турларга бўлинмасин, уларни тушуниш ва амалда қўллашда бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси асос бўлиб хизмат қилаверади.

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, табиийки, у мавжуд ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир мамлакатдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш тамойилларига ўз таъсирини ўтказади. Турли мамлакатларнинг миллий талаблари ўртасидаги зиддиятлар уларнинг молиявий ҳисоботи ўртасида фарқларни ҳам вужудга келтиради. Бундай тафовутлар молиявий ҳисобот элементларининг, яъни активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажатларнинг турлича таърифланишига олиб келади. Шунингдек, молиявий ҳисобот моддаларини тан олишда ҳар хил мезонлардан фойдаланиш ҳамда ушбу моддаларни баҳолаш учун ҳар хил асосларни маъқул деб ҳисоблашга сабаб бўлади. Бундай турлича ёндашувлар молиявий ҳисобот турлари, уларни қўллаш доираси ва очиб бериладиган маълумотлар хусусидаги масалаларга ҳам тааллуқлидир.

Глобал интеграллашган иқтисодиёт шароитида турли мамлакат хўжалик субъектлари, банклари ва бошқа молиявий корпорациялар ўртасида иқтисодий алоқалар ўрнатилади. Халқаро ҳамкорликдаги субъектларнинг бир-бирига зид келмайдиган бир хил тамойил ва қоидалар асосида молиявий ҳисоботни тайёрлашлари учун ягона «бизнес тили» бўлган халқаро стандартларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлади. Шу боис, жаҳон иқтисодчи олимлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишнинг ягона қоидаларини яратиш устида ўтган XX асрдан бошлаб жиддий бош қотиришмоқда.

Биз учун афзаллиги эса мамлакатимиздаги йирик корхоналарга халқаро молия бозорларида иштирок этиш имкони яратилади. Масалан, республикамиздаги йирик корхоналарнинг чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари томонидан уларнинг акция ва облигацияларини сотиб олиши эвазига ушбу корхоналарга инвестиция киритиш, пировардида корхонани ривожлантириш натижасида Давлат бюджетига тушумнинг ошишига олиб келади.

Мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига киритиш учун ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиш, бюджет барқарорлиги, ишлаб чиқариш маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш, бунинг учун эса, чет эл инвестицияларини кўпроқ киритиш муҳим роль ўйнайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори. 2020 йил 24 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторларни сертификатлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбилар тўғрисида»ги ПҚ-5210-сон қарори. 2021 йил 4 август.

3. Президент Ш.Мирзиёев раислигида Олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши. 2021 йил. 16 июнь. https://president.uz/uz/lists/view/4424

4. Каримов А., Қўзиев И., Раҳимов М. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Унга мослашиш йўлида қандай чора-тадбирлар кўзда тутилган? “Халқ сўзи” газетаси. 2020.

5. Ризаев Н., Ҳотамов К. Моливий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишда Япония тажрибаси. “Молия ва банк иши” электрон-илмий журнали. Тошкент, №1. 2020.

6. Ризаев Н., Исаев Ф. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини (БҲМС) молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) уйғунлаштириш масалалари. “Логистика ва иқтисодиёт” электрон-илмий журнали. Тошкент, №4. 2020.

BULUTLI TEXNOLOGIYALARDA HISOBLASH TARIXI

Parpiyev G‘afurjon G’ayratovich
AndMI, tayanch-doktoranti,
Tojiboyev Abdumo’min Muxtorjon o‘g‘li
AndMI, Axborot texnologiyalari va